

“BIOLOGIYANING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR”

Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi, 2023-yil 25-noyabr.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ИСТИҚБОЛЛИ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Бегматов Абдусамат Маматкулович, доцент,

Термиз давлат университети Ботаника кафедраси мудири

Рахматова Масъума Умаровна, катта ўқитувчи, Термиз давлат университети.

(90-520-07-11, e-mail: stevia_uz_terdu@rambler.ru)

Аннотация: Ушбу мақолада Тадқиқотчилар томонидан Сурхондарё вилояти шароитида истикболли доривор ўсимликларнинг ўсиши, онтогенези, антэкологияси, тарқалиши, интродукцияси, фитокимёвий таркиби ва ишлаб чиқаришга жорий этилиши бўйича олинган илмий-амалий натижаларнинг қисқача изоҳи келтирилган.

Аннотация: В статье представлено краткое описание научных и практических результатов, полученных исследователями по выращиванию, онтогенезу, антэкологии, распространению, интродукции, фитохимическому составу и производству перспективных лекарственных растений в условиях Сурхандарьинской области.

Annotation: This article presents a brief description of the scientific and practical results obtained by researchers on the growth, ontogenesis, antecology, distribution, introduction, phytochemical composition and production of promising medicinal plants in the conditions of Surkhandarya region.

Калит сўз ва иборалар: доривор ўсимликлар, интродукция, эфирмойи, фитокимёвий таркиби, асал-ширлик хусусиятлари, стевиозид.

Ключевые слова и фразы: лекарственные растения, интродукция, сущность, фитохимический состав, свойства пади, стевиозид.

Key words and phrases: medicinal plants, introduction, essence, phytochemical composition, honeydew properties, stevioside.

Доривор ўсимликлар интродукцияси - импорт ҳисобига келтирилади хом ашё сарф харажатларини камайтирибгина қолмай, маҳаллий шароитимиздаги биохилма - хилликни бойитиб, аҳолининг доривор ўсимликларга бўлган талабини қисман қондиради.

Ер юзида доривор ўсимликларнинг 10-12 минг тури бўлиб, 1000 дан ортиқ ўсимлик турларининг кимёвий, фармокологик ва дориворлик хоссалари ўрганилган. Ўзбекистонда эса доривор ўсимликларнинг 577 тури мавжуд бўлиб, шулардан ҳозирги вақтда 250 тури илмий таботатда ишлатилмоқда. Доривор маҳсулот таркибида турли касалликларни даволовчи терапевтик аҳамиятга эга бўлган биологик фаол моддалари бўлгани сабабли у тиббиётда ва фармацияда кенг миқёсида ишлатилади.

Ўзбекистонда интродукция қилинган доривор ўсимликлар 300 турдан ортиқ ва бу турлар ўзга ҳудудларга мансуб бўлиб, Республикамиз иқлим шароитига мослаштириш соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борилган.

“BIOLOGIYANING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR”

Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi, 2023-yil 25-noyabr.

Бу илмий тадқиқотлар ботаник олим, интродуктор Ю.Мурдахаев (1980-1991) томонидан Тошкентдаги Охунбобоев номли ва Намангандаги Ибн Сино номли доривор ўсимликларни ўстиришга ихтисослашган хўжаликларда амалга оширилган. Шунингдек, Б.Е.Тўхтаев (1997-2008) томонидан Ўзбекистоннинг шўр тупроқларида 111 тур доривор ўсимликлар интродукция қилинган. Бошқача қилиб айтганда бу доривор ўсимликлар республикамиз иқлим шароитида ватан топган доривор ўсимликлар ҳисобланади. Улар: Оддий игир (*acorus calamus* L.), райхон- (*ocimum basilicum* L.), доривор асорун (*valeriana officinalis* L.), доривор тирноқгул (*calendula officinalis* L.), буйрак чойи (*orthosiphon stamineus* Benth.), доривор мойчечак (*matricaria chamomilla* L.), тукли эрва (*aerva lanata* L.), доривор маврак (*salvia officinalis* L.), бозулбанг (*lagochilus inebrians* Bunge), ўткир баргли сано (*cassia acutifolia* Del.), туркман мандрагораси (*mandragora turcomanica* Mizg.), қора мевали арония (*aronia melanocarpa* L.), доривор розмарин (*rosmarinus officinalis* L.), оддий қулмоқ (*humulus lupulus* L.), япон софораси (*sophora japonica* L.), стевия (*stevia rebaudiana* Bertoni), қизил эхинацея (*echinacea purpurea* L.), доривор асорун (*valeriana officinalis* L.), доривор мойчечак (*matricaria chamomilla* L.), доривор тирноқгул (*calendula officinalis* L.), доривор лимонўт (*melissa officinalis* L.) ва бошқалар бўлиб, уларнинг 30га яқин турларининг ҳозирги кунда катта ёки кичик масштабдаги плантациялари мавжуд [2,3]. Сурхондарё вилояти шароитида доривор ўсимликларнинг биологияси, экологияси, тарқалиши, интродукцияси, эфирмойи ҳамда ўсимлик қисмларидаги фитокимёвий таркибини ўрганиш бўйича Қ. Жумаев, Х. Жумаев, Қ. Амонтурдиев, Р. Муҳаммаджонова, Р. Алиқулов, Б. Тўхтаев,

А. Ибрагимов, А. Бегматов, Э. Абдуназаров ва бошқалар тадқиқотлар олиб боришган ҳамда ҳозирги пайтда ҳам истиқболли ўсимликларни ўрганиш давом эттирилмоқда. 1974 йилда Қурбонтурди Жумаев “Сурхон-Шеробод воҳасининг ёввойи ўсувчи эфирмойли ўсимликлари” мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди [5]. Қ. Жумаев ушбу илмий тадқиқот ва кўп йиллик илмий педагогик фаолияти натижасида Сурхондарё вилояти ҳудудида тарқалган ўсимликларни ўрганиб, 2003 йилда “Юксак ўсимликлар систематикаси” номли ўқув қўлланмасини нашр эттирди.

1990 йилда Джумаев Худойберди Қурбонтурдиевич “Ўзбекистоннинг жанубида ўсувчи *salvia sclarea* L. ва *origanum tyttanthum* Gontsch. ўсимликларининг онтогенези, антэкологияси ва улардан унумли фойдаланиш йўллари” мавзусидаги диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилган. Ушбу диссертация ишида бир нечта эфирмойли ўсимлик турларида онтогенезининг дастлабки бошқичлари ҳамда антэкологик хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилиб, улардан халқ хўжалигида унумли фойдаланиш йўллари ёритиб берилган [6].

“BIOLOGIYANING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR”

Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi, 2023-yil 25-noyabr.

Натижада ушбу ўсимликларнинг косметика-парфюмерия, озиқ-овқат саноатларида ҳамда тиббиётда фойдаланиш йўллари очиқ берилган. Бундан ташқари эфирмойли ўсимликларнинг уруғчилиги ва селекцияда фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган. Ўсимликларнинг асал-ширалик хусусиятлари ўрганилиб, улардан асаларичиликда ҳам фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилиб ўтилган. 2020 йилда Х. Жумаев томонидан “Антэкология” номли ўқув қўлланма ва 2023 йилда Ботаника (ўсимликлар систематика) дарслиги нашр этилган.

2010 йилда Абдуназаров Эркин Эргашович томонидан “Тошкент воҳаси шароитида *valeriana officinalis* L. нинг интродукцияси ва биоэкологик хусусиятлари” мавзусида диссертация иши муваффақиятли ҳимоя қилинган. Унинг кейинги тадқиқотлари Сурхондарё вилояти жумладан Термиз шаҳри шароитида ҳам доривор валерианани ўстиришга бағишланган.

2012 йилда Бегматов Абдусамат Маматкулович “Сурхондарё вилояти шароитида интродукция қилинаётган *stevia rebaudiana* Bertoni нинг биоэкологик хусусиятлари” мавзусидаги диссертация иши муваффақиятли ҳимоя қилди. *Stevia rebaudiana* Bertoni ўсимлигининг ватани жанубий Америкадаги Парагвай хисобланиб, барг ва новдаларда шакарга нисбатан 300-350 марта ширин таъм берувчи “Стевиозид” моддасининг мавжудлиги билан бошқа ўсимликлардан фарқланади [1]. Ҳозирги пайтда Шўрчи тумани шароитида *S. rebaudiana* ўсимлигининг плантациялари ташкил этилган бўлиб, уруғдан кўпайтириш ва унинг истиқболли навларини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Ўзбекистонда “Оллохиёрохун” стевия экспериментал фермер хўжалигида етиштирилаётган ўсимликнинг барг хом-ашёси асосида “Стевия чойи” ишлаб чиқарилмоқда [4]. Режадаги кейинги босқичда эса “Стевиозид” моддасини ажратиб олинади ва экстракти тайёрланади ҳамда саноат миқёсида кенг фойдаланишга жорий этилади. Кўп йиллар давомида Рашида Мухаммаджонова Сурхондарёнинг асал-ширали ўсимликларини ўрганган ва ишлаб чиқариш учун амалий тавсиялар ишлаб чиққан. Қурбонтурди Амонтурдиев ҳам Сурхондарё вилояти шароитида алқор ва сано ўсимликларнинг биоэкологик хусусиятлари ва етиштириш технологиясини ишлаб чиққан. Ҳозирги пайтда Сурхондарё вилоятидаги турли ташкилотлар, илмий тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасининг тадқиқотчилари томонидан истиқболли ўсимликларни ҳар томонлама ўрганиш давом эттирилмоқда.

Шунда қилиб, тадқиқотларда Сурхондарё вилояти шароитида истиқболли турли манзарали, хомашёбоп, доривор ўсимликларни ўстириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш учун барча имкониятлар мавжудлиги ўрганилган.

“BIOLOGIYANING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR”

Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi, 2023-yil 25-noyabr.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Begmatov A., Sattarov A. Bioecological properties of *stevia rebaudiana* Bertoni in introduction conditions. *The American Journal of Agriculture and Biomedical engineering*, 2020. 2 (10), p. 63-68.
<https://doi.org/10.37547/tajabe/Volume02Issue10-11>.
2. Begmatov A., Ganiyeva G. Bioecology and prospects of essential oil and medicinal plants cultivation in surkhandarya region. *The American Journal of agriculture and biomedical engineering*, (2021) 3 (06), p. 121–124.
<https://doi.org/10.37547/tajabe/Volume 03Issue 06-16>
3. Begmatov A., Sattarov A. Bioecology of melissa officinalis plant in introduction conditions. *The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering*, 2020. 2(10), p. 69-73. <https://doi.org/10.37547/tajabe/ Volume 02 Issue 10-12>.
4. Begmatov A., Rakhmatova M. Biology of cultivation of *stevia rebaudiana* Bertoni plant in Uzbekistan. *Journal of pharmaceutical negative results*. p. 3188-3193.
<https://doi.org/10.47750/pnr. 2022.13. S 07.416>.
5. Жумаев Х. Завол билмаган боғ. – Т.: Тафаккур, 2015. -80 б.
6. Djumaev X. Q., Zenkevich I.G., Begmatov A.M., Sattarov A.S. [Composition of essential oils of sage *salvia sclarea* L. and their changes depending on the vegetative phases of development](#). [Scientific Bulletin of Namangan State University](#), 2019. №6. -p. 183-193.